

## БИРИНЧИ ЧОРАК АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

- 2025-йилнинг I - чораги якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 2,90 триллион сўм (224,52 миллион доллар)ни ташкил этди, бу 2024-йилнинг I - чорагига нисбатан 2,68 триллион сўмга ёки 13 бараварга кўпдир.
- Ушбу ҳажмнинг 1,5 трлн сўми (116,35 млн доллар) ёки 51,82 фоизи биржа котировкалаш varaғига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Қолган ҳажм уюшган биржадан ташқари бозорда (листингдан ташқари савдо майдончаси, ЛТСМ) тузилган битимлар ҳисобига шаклланди.
- Тузилган битимларнинг умумий сони 132 845 тани ташкил этиб, 2024-йилнинг I - чорагига нисбатан 16 455 тага ёки 11,02 фоизга камайди. Шунда биржа котировкалаш varaғига киритилган қимматли қоғозлар билан 114 309 та битим, уюшган листингдан ташқари бозорда эса 18 536 та битим тузилди.
- Ўртача кунлик савдолар ҳажми 48,36 млрд сўмни (3,74 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 2 214 тани ташкил этди.
- Чорак якунларига кўра, UCI индекси 0,33 фоизга пасайиб, 652,93 пункт даражасида ёпилди

## БОЗОР ШАРҲИ

### АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 1,29 трлн сўм (99,86 млн доллар)ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,12 трлн сўмга ёки 668,87 фоизга ошган. Савдоларнинг асосий ҳажми (1,19 трлн сўм) пулсиз ҳисоб-китоблар платформаси (Free of Payment Board, FoP) ҳиссасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 21,50 млрд сўм (1,66 млн доллар)ни, битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 889 тани ташкил этди. Акцияларнинг бозор капиталашуви 127,96 млрд сўмга ёки 0,05 фоизга камайиб, 242,29 трлн сўм (18,76 млрд доллар)ни ташкил этиб, эркин муомалада бўлган акцияларнинг (free float) бозор капиталашуви эса 4,07 трлн сўмни ташкил этди.

I-чорак якунлари ҳолатига кўра, Биржанинг биржа котировкалаш varaғида 94 та эмитентнинг акциялари мавжуд эди.


### Акция бозорининг асосий кўрсаткичлари.

		I-ч 2021	I-ч 2022	I-ч 2023	I-ч 2024	I-ч 2025
Савдо ҳажми	млн сўм	119 838	3 155 047	1 665 234	167 794	1 290 115
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	1 933	53 475	26 859	2 751	21 502
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	10,5	154,6	35,8	1,3	11,4
Битимлар сони	дона	11 405	20 414	46 572	133 301	113 347
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	184	346	751	2 185	1 889

## UCI ИНДЕКС

Чорак якунларига кўра, UCI индекси 2,19 пунктга ёки 0,33 фоизга пасайиб, 652,93 пункт даражасида ёпилди.

2025-йил I - чораги учун UCI индекси графиги



## ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ


Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 213,35 млрд сўм (16,49 млн доллар)ни ташкил этиб, 2024-йилнинг I - чорагига нисбатан 209,26 млрд сўмга ёки 51 баравардан кўпроққа ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 3,6 млрд сўмни, ўртача кунлик битимлар сони 16 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,50 трлн сўм (116,43 млн доллар)ни ташкил этди.

### Облигация бозорининг асосий кўрсаткичлари.

		I-ч 2021	I-ч 2022	I-ч 2023	I-ч 2024	I-ч 2025
Савдо ҳажми	млн сўм	5 128	535	1 593	4 092	213 349
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	83	9	26	67	3 556
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	30,3	76,4	34,6	12,2	221,8
Битимлар сони	дона	169	7	46	335	962
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	3	1	1	5	16



## ЛИСТИНГ

Чорак якуни ҳолатига кўра, биржа котировкалаш варағида 102 та эмитентнинг 153 та инструментлари мавжуд эди.

Чорак давомида 10 та эмитентнинг 11 та янги инструментлари — 5 та корпоратив облигациялар ва 6 та акциялар чиқарилуви киритилди.

## ЛИСТИНГДАН ТАШКАҶИ САВДО МАЙДОНЧАСИ

I-чорак якунлари бўйича Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 18 536 та битим тузилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,4% га кўпдир.

Савдолар ҳажми 1,4 трлн сўм (108,2 млн доллар)ни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 баравар кўпдир.

125 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.